Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 53 (21. 172) 1992 йил 14 март, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

Ўзбекистон—Хитой:

ТАШРИФНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва РАТА—ТАСС махсус мухбирлари Пекиндан хабар қиладилар:

Ҳамдўстлик давлатларидан бирининг бошлиғи биринчи бор Хитойга келди. Бу ташрифнинг аҳамияти жуда катта, деди 12 март куни ХХР Раиси Ян Шанкунь Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни Халқ мажлислари уйида тантанали кутиб олиш маросимида.

Ўзбекистонлик меҳмонлар бу ерда қисқа муддат бўлишларига қарамай, Хитой билан Ўзбекистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг кўпгина масалаларини ҳал этишлари мумкин, деб таъкидлади у. Бунинг сабаби шуки, деди Ян Шанкунь, бундан аввал ҳам иккала мамлакат ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилган эди.

Ўз навбатида Ислом Каримов ХХР га келиш имконияти берилгани учун Ян Шанкунга миннатдорчилик билдирди. У Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш муҳимлигини уқтириб ўтди ва бу муносабатларнинг имкониятлари катталигини таъкидлади.

13 март куни Ўзбекистон Президенти ХКП Марказий Комитетининг Бош котиби Цзян Цзэминь билан ва ХХР ҳукуматининг бошлиғи Ли Пэн билан учрашди.

Ислом КАРИМОВ:

ХИТОЙ БИЛАН ЯХШИ МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТАМИЗ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва РАТА-ТАСС махсус мухбирлари 13 мартда Пекиндан хабар қилишди:

Халқ мажлислари уйида бугун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ХХР давлат кенгашининг Бош вазири Ли Пэн билан учрашди. Музокаралар тугаганидан кейин И. Каримов бўлиб ўтган суҳбатга юқори баҳо берди. Учрашув натижасида бир қанча битимлар, шунингдек, Ўзбекистон—Хитой муносабатлари ҳақида ҳужжатлар имзоланади, шу ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, деди Президент мухбирлар билан суҳбатда.

Биз, деди у, Хитой билан яхши, тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатмоқчимиз, буюк қўшнимиз билан ҳамжиҳатликка эришмоқчимиз, унинг фойдали тажрибасини ўрганиб, қабул қилмоқчимиз. Ўзбекистон делегацияси ХХРга ташрифининг асосий вазифаси — мана шу.

Ўзбекистон, деб таъкидлади Ислом Каримов, мустақил бўлиб қолгач, ўзининг сиёсий ва иқтисодий стратегиясини белгилаб олди. Унинг мақсади бозор муносабатларига асосланган очиқ эркин жамият қуришдир. Бундан бошқа йўл йўқ. Ш. соҳада кўп иш қилинди, жумладан, мана шундай ривожланишни рағбатлантирувчи қонунларнинг катта мажмуи қабул этилди. Ҳозиргача Ўзбекистонда мингтадан кўпроқ қўшма корхона барпо этилди, кўпгина хорижий фирмалар билан битимлар туздик.

Ўзбекистон мустақиллигининг бош мақсади унинг халқи учун яхши турмуш шароитлари яратишдан иборат эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Давлатимизда яшаб турган барча кишиларнинг миллати ва динидан қатъи назар, уларга ҳам шу гап тааллуқлидир. Биз миллий тотувликни ва фуқароларнинг иноқлигини кўз қорачиғидек ардоқлаб асраймиз, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

ҚОЗОҚ МАДАНИЙ МАРКАЗИ ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегатлар!

Азиз оға-инилар ва опасингиллар!

Қозоқ маданий маркази қурултойи очилиши муносабати билан сизларни чин юракдан қутлайман. Бу қурултой ўзбек ва қозоқ халқларининг, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг дўстлигини мустаҳкамлаш ишига шубҳасиз ўз ҳиссасини қўшади.

Республикамиз кўп миллатли халқимизнинг хоҳиш-иродасига кўра давлат мустақиллиги йўлига дадил қадам қўйди. Биз бугун қилаётган ишларнинг ҳаммаси миллатидан, диний эътиқодидан, сиёсий қарашларидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб турмуш шароитларини таъминлашга қаратилгандир.

Қозоқ маданий маркази миллий маданиятни тиклаш, энг яхши анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон халқлари ўртасидаги самимий дўстликни янги босқичга кўтаришда катта ва самарали ишларни олиб бормоқда.

Биз барча мустақил давлатлар, уларнинг халқлари ва энг аввало, ўзбек халқи билан маданияти, тили, дини бир бўлган қардош қозоқ, тожик, туркман, қирғиз халқлари билан қалин ва биродарлик муносабатларига содиқ қоламиз. Шу боисдан Ўзбекистонда фуқаролар осойишталигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибат руҳини қарор топтириш — бизнинг олий мақсадимиз, муштарак ишимиздир.

Қурултой ишига муваффақият, унинг ҳар бир қатнашчисига эса сиҳат-саломатлик, инсоний бахт, сизларнинг олижаноб фаолиятингизда ютуқлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Республика Олий Кенгашида

12 март куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Танҳо хўжайинлик қилиш фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг маърузаси тингланди. Муҳокама давомида депутатлар бир қанча мулоҳаза ва таклифлар айтишди. Қонун лойиҳаси асосан маъқулланди. Ишчи гуруҳига лойиҳага тузатишлар ва қўшимчалар киритилгандан кейин қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун Республика Олий Кенгаши Раёсатига тақдим этиш топширилди. Лойиҳа умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинади.

Сўнгра депутатлар «Валюта йўли билан тартибга солиш», «Хўжалик субъектларининг синиши тўғрисида», «Хўжалик ширкатлари, акционерлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаларини, шунингдек «Пул муомаласини барқарорлаштириш билан боғлиқ қонун актларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

Комитет муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзА).

БУГУН—НАВРЎЗОЛДИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

● Ҳашар ўзбек халқининг энг ажойиб анъаналаридан биридирки, у инсонга меҳр-муҳаббат, инсон қадрини улуғлаш, шафқатли бўлиш, хаста диллар кўнглини кўтариш, одамларни ўзаро янада жипслаштириш ҳислатлари билан йўғрилган.

● Бугунги ҳашар — қилажак савоб ишларимизнинг муқаддимасидир. Тарихимизнинг олтин саҳифаларини безаган Катта Фарғона канали каби йирик иншоотлар ҳам ҳашар йўли билан бунёд этилганлигини унутмайлик!

● Ҳашарнинг шиори — «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат».

● Ҳашардан йиғилган ва ишлаб топилган маблағ «Наврўз» хайрия жамғармасига ўтказилади.

ҲАШАР ЭЛГА ЯРАШАР

МИНГБУЛОҚ НЕФТИ ИНСОН ИЗМИГА БЎЙСУНЯПТИ

Ниҳоят Ўзбекистон ҳам ўз «қора олтини»—нефтига эга бўлмоқда. Шу йилнинг 2 март куни роппа-роса соат 14.00 да Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигига қарашли далада, Мингбулоқ деган жойда уч йилдан бери кеча-кундуз ер қаърини бурғулаётган нефть қидирувчиларнинг омади кулиб боқди. Бурғу тиши 5 минг 237 метрлик чуқурликка етганида ер-кўкни ларзага солиб, нефть отилиб чиқдики, бу фаввора ёнига умуман яқинлашиб бўлмай қолди. Бир зумда теваракатрофни қоп-қора дуд ва қурум қоплаб олди. Шундай бўлсада нефть қидирувчилар саросимага тушмадилар. Бу кун улар учун, йўқ фақат улар учун эмас, бутун республика учун байрам деса арзигудек воқеа содир бўлганди. Келгусида республика тарихига кириб қоладиган мана шу кундан эътиборан Ўзбекистон ўз нефть бойлигига эга бўлди, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Бу хушхабар кўп ўтмай бутун Наманганга, ундан эса водийга ва Тошкентга ҳам етиб келди. Шу заҳотиёқ ҳукумат раҳбарлари, йирик мутахассислар иштирокида комиссия тузилиб, нефтчилар ҳузурига жўнатилди. Бу ерда эса нефть фаввораси атроф-муҳитга ҳеч бир зарар келтирмайдиган қилиб тўхтатиш ишларига бошчилик қилиш мақсадида махсус штаб ташкил қилинди. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси кучли босим билан отилиб чиқаётган фаввورани жиловлаб олиш ва уни инсон измига бўйсундириш учун умумхалқ ҳашари эълон қилди. Бир ёғи бутун водий, Бухоро ва Қашқадарё, бу ёғи Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидан, қўйингки, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондан шу кун охиригача мутахассислар ва махсус ишчиларнинг гуруҳлари ўз техника ва транспортлари билан етиб келдилар. 11 кундан бери улар куну-тун «қора олтин»ни жиловлаб олиш мақсадида тиним билмай меҳнат қиляптилар.

— Бу «жанг» поёнига етиб қолди, — дейди «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Норматов. — Узоғи билан бир-икки кундан сўнг фаввورани тўхтатамиз. Шуниси қувончлики, у атроф-муҳитга сира ҳам таъсир кўрсатмади. Бу бойликни пешма-пеш Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасига ташиб олишяпти.

Суратда: нефть фаввورасини бўйсундиришга тайёргарлик ишларида қатнашаётган ишчи ва мутахассисларнинг бир гуруҳи.

Ушбу суратни С. МАҲКАМОВ тасвирга туширган.

ЯЛПИ САФАРБАРЛИК

Наврўз умумхалқ байрами арафасида ўтказилаётган бугунги хайрия ҳашари айни жамоамиз кўнглидаги тадбир бўлди деб ўйлайман. Негаки, корхонамиз ишлаб чиқаришидаги оғир аҳвол, ишчи-хизматчиларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликларини ҳашар йўли билан маълум маънода яхшилаб боришига бир имкон туғилади.

Минглаб одамлар ишлайдиган бирлашмамиз бугунги ҳашарда нима иш билан шуғулланади? Бу масала олдиндан корхона маъмурияти, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг бирлашма бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинди. Тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларни бирлашма меҳнат жамоаси қўллаб-қувватлади.

Шунга кўра, бирлашмада ялпи сафарбарлик эълон қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчи-мутахассислар бугун ўз кундалик иш жойларида баракали меҳнат қилиб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини кўрадилар. Бу эса хом ашё етишмаслиги туфайли юз берган қолоқлик ўрнини қоплаш, ишчиларнинг умумий аҳволини яхшилашга, фахрийлар, кўп болали, кам даромадли оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга маълум маънода имкониятлар яратади.

Сир эмаски, илгари имзоланган корхоналараро шартномалар амал қилмай, бирлашмамизга хом ашё етказиб беришда узилишлар вужудга келди. Лекин бирлашма ишчи-мутахассислари резервларни ҳаракатга келтириб, карбамид ўғит ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўра бошладилар. Чунки карбамидга жаҳон бозорида эҳтиёж ортиб бормоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Фарғона карбамиди Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо барча республикаларда ишлаб чиқарилаётган шундай маҳсулотлардан анча устун жиҳатларга эга. Жумладан, бизда тайёрланаётган карбамид таркибида нитрат жуда оз. Бу эса карбамидни деҳқончиликда кенг қўллаш имконини беради. Чунки шундай ўғитдан фойдаланилган далалардаги ҳосилга кимёвий таъсир сезиларсиз бўлади.

Юқоридаги мулоҳазаларга кўра, ҳашар куни карбамид минерал ўғитини мумкин қадар кўпроқ тайёрлаб чиқаришга ҳаракат қилинади. Бунинг икки афзаллиги бор. Биринчидан, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотни ишлаб чиқариб сотиш йўли билан кўп валюта топиш мумкин. Иккинчидан, ишлаб топилган маблағ меҳнат жамоамизни ижтимоий ҳимоялашда қатор кафолатлар беради.

Тўғри, ҳашарда ҳамма ҳам маҳсулот тайёрлаши мумкин эмас. Бошқа касбдаги кишилар, айниқса, хизматчилар корхона ҳудудида ободончилик, тозалаш ишлари билан шуғулланадилар. Хизматчилардан бир қисми Қирғули районининг белгиланган жойларида мевали ва манзарали кўчатлар ўтказишда фаол қатнашадилар.

Абдуҳошим АБДУЛЛАЕВ, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

ТАЛАБАЛАР ҒАЙРАТИ

Баҳор кун сайин ўз тароватини кўз-кўз қилмоқда. Ўлкамизга Наврўз ташриф буюрмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг дастлабки истиқлол Наврўзини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўряпти. Шаҳар-қишлоқларда, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув муассасаларида Наврўзга муносиб тараддуд авжида. Маълумки, Наврўз поклaниш, саранжомсаришталик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш каби ажойиб анъаналарга эга. Халқ ҳашарини рамазон ойига тўғри келиши Наврўз удумлари билан уйғунлашувига монанд бўлди.

Жойларда бугун бошланадиган халқ ҳашарида ғайрат кўрсатиб, тозалаш, тартибга келтириш ва сарамжон-саришталикни йўлга қўйиш билан Наврўз байрамини муносиб қаршилашга ҳозирлик кўрилди. Низомий номли Тошкент давлат муаллимлик олий билимгоҳида ҳам Наврўз ҳашари уюшқоқлик билан ўтади. Муаллимлар, олиму мутахассислар талабалар билан биргаликда хоналарни тартибга келтириш, ҳовли ва майдонларни ободонлаштириш ҳамда янгин туфайли яроқсиз ҳолга келган бинимгоҳ биносини таъмирлаш ишларида камарбасталик қилишади.

А. РАҲИМОВ, «Ўзбекистон овозининг жамоатчи мухбири.

ҲИММАТ

Пахтакор районидаги 7-автокорхона жамоаси вилоят аҳлини «Наврўз» хайрия жамғармасига муносиб улуш қўшишга даъват этганди.

Бунга жавобан жамоа аҳли районнинг Тинчлик деб номланган шоҳ кўчасини тозалаш, атрофини ободонлаштириш, жорий таъмирлашни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари корхона ён атрофидаги кўча ва йўлкаларни тартибга келтиришга киришилди. Шу билан бирга автомобиль ҳайдовчилар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини «Наврўз» хайрия жамғармасига ўтказадилар.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овозн» мухбири.

Бу йилги Наврўз байрами Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган, жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган йилда нишонланаётгани билан муҳим аҳамиятга эга. Районимизда ана шу санага пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Байрам муносабати билан кўпгина ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Районда ва Косон шаҳрида тозалик ва кўчат ўтказиш ойлиги эълон қилинди. Кўча ва ҳиёбонларда мевали дарахт кўчатлари, терак ўтказилмоқда. «Партия XXII съезди» колхози клубида Ульянов номли колхоз ёшлари иштирокида «Балли, ёшлар» беллашуви ўтказилди. Шу йил 7 март куни Наврўзга бағишлаб шанбалик ташкил қилгандик. Тушган маблағ хайрия жамғармасига ўтказилди.

БУ КУНЛАРНИ ЯХШИ КУТАМИЗ

Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган телемарафон муносабати билан ҳашар ташкил қилинди. Наврўзни нишонлашнинг дастлабки босқичи Ленин номли, «Шарқ юлдузи» колхозлари, «Косон» ва Энгельс номли давлат хўжаликларида 39-қўриқ совхозда намунали амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг ажойиб удумлари бор. Наврўзда бир-бирига яхшилик қилиш, меҳр-оқибат, мурувват кўрсатишдан иборат удумлар анъанага айланаяпти. Шунинг учун байрам арафасида фаолларимиз, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳузурига бормоқдалар, улардан ҳол-аҳвол сўраб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар. Масжидлар, кўприклар, чойхоналар, қабристонлар таъмирланяпти. Меҳнатга бутун умрини бағишлаган мўътабар кишилар уйлари ремонт қилинаяпти.

Наврўзнинг якуний байрамини Косон шаҳрида ўтказамиз. Район стадионида халқ сайили ташкил этилади. Ёш бадиий ҳаваскорлар, фольклор ансамбларининг чиқишлари, спорт беллашувлари, хусусан миллий кураш, халқ ўйинлари бўлади.

Байрам қатнашчилари, бевабечоралар, ногиронлар бепул сумалак, ёрма сингари наврўз таомлари билан сийланадилар. Савдо-сотиқ йўлга қўйилади. Арафада кам даромадли, кўп болали бир қанча оилаларга колхоз ва совхозлар ҳисобидан бепул сигир ҳам бермоқчимиз.

Бундан ташқари Наврўз кунлари кексаларимизга алоҳида дастурхон ёзилади.

Халқимиз иқтисодий қийинчиликдан қисилган бир пайтда байрамни ҳар томонлама кўнгилдагидек кутиб олиш бурчимиздир.

Кўчқор ТЎЙЧИЕВ, Косон район ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

● Экмоқ ниятида қўлингизга олган кўчатни, албатта экиб қўйинг.

● Бир-бирингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

(Ҳадислардан).

● Кўмаклашган иш — битар.

● Кўп ёйилса — йўқ топилар.

● Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар.

Халқ мақоллари.

● «Наврўз»олди умумхалқ хайрия ҳашарининг ҳисобини эслатиб ўтамиз: 005700007, Тошкент, саноат-қурилиш банкининг Меҳнат бўлими. Код: 172682315.

ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

МОСКВА, 13 март. (РАТА-ТАСС мухбирлари Иван Иванов ва Геннадий Талалаев). Москвадаги муҳташам «Президент-отель» (собиқ «Октябрь») меҳмонхонасида жума куни эрталаб МДҲга аъзо бўлган давлатлар ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг мажлиси очилди.

Мажлис ишида Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Ўзбекистон, Украина ҳукуматларининг бошлиқлари, шунингдек, Беларусь, Тожикистон, Туркманистон ҳукуматларининг муҳтор вакиллари қатнашмоқдалар. Озарбайжон вакили бугун ҳужжатларни имзолаш ваколатларига эга эмас, чунки ҳукумат раҳбарияти Москвага етиб кела олмади.

Россия Федерациясининг давлат котиби, Россия ҳукумати Бош вазирининг биринчи муовини Геннадий Бурбулиснинг таклифига биноан Қозоғистон Бош вазири Сергей Терешченко мажлисда раислик қилувчи этиб сайланди.

Учрашув қатнашчилари ўзлари тасдиқлаган кун тартибига мувофиқ ишлай бошладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан, айниқса у Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинганидан кейин республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг вазифалари аниқ чегаралаб олинмоқда. Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида жаҳондаги юздан ортиқ мамлакат тан олганлиги, дипломатия ваколатхоналари очилаётганлиги халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни анча кучайтирди, тадбиркорлик фаолиятининг, шу жумладан ажнабий фирмалар билан ҳамкорликда олиб бориладиган тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари юзага келишига кўмаклашди. Республика аҳолиси биз билан тарихан муштарак илдизларга эга бўлган давлатлар билан кўп томонлама алоқалар, шу жумладан маданий алоқалар йўлга қўйилаётганлигига, чет эллардаги ватандошлар билан алоқалар тикланаётганлигига мамнуният билан қарамоқда.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бирон-бир матбуот органига эга эмаслиги оқибатида юқорида айтиб ўтилган масалаларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришнинг, шу жумладан аҳоли турмушини таъминлашнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишнинг кўпгина жабҳалари республика аҳолиси эътиборига тўлиқ етиб бормаяпти. Одамларимиз воқеалардан тўла-тўкис хабардор бўлмай қолаётганлиги мустақил давлат бўлмиш республиканинг янги йўлидаги ижобий жараёнлар ривожига маълум даражада таъсир этмоқда.

Ана шуларни инобатга олиб, қолаверса моддий-техника ва молия ресурслари, хусусан қоғоз тақчил бўлган бир шароитда янги рўзномалар ташкил этиш мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг рўзномаларини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Янги рўзномаларнинг номи масаласи ҳал этилгунча уларни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» номлари билан чиқаришга қарор қилинди. Рўзномаларни ўзбек ва рус тилларида ҳар бирини ҳафтасига беш мартадан, ҳафталик иловалари билан чиқариш кўзда тутилган.

Янги нашрларни тугатилган рўзномалар жамоаларининг кучи билан, мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланиб чиқариш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Янги рўзномаларга раҳбарликни тугатилган рўзномаларнинг собиқ бош муҳаррири А. Ғ. Мухторовга ишониб топшириш мумкин эмас деган фикрга келинди. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи тайинлангунга қадар рўзномалар муассислар имзоси билан чиқариб турилади.

• *Жаҳон ҳаво йўллари*

«БИЗ БОБУР АВЛОДЛАРИМИЗ»

Тошкент тайёрагоҳи жаҳоннинг ман-ман деган «Боинг» ҳаво қушлари осон қўнадиган бўлиб қолди. Куни кеча Исломободдан биринчи марта парвоз қилган улкан пўлат қанотли қуш ўзининг бағрида Покистон ҳукуматининг давлат арбоблари, олимлари, ишбилармонлари, сайёҳларини олиб келди.

Покистонлик меҳмонлар кеча пойтахтимизнинг гўзал жойларини зиёрат қилдилар, саноат корхоналарида бўлдилар. Айниқса, «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган миллий буюмларнинг чўғдек товланиши меҳмонларни ром этди. Сафар қатнашчилари орасида «Тобони корпорейшн» фирмасининг бош директори Абдурауф Тобони ҳам бор эди. Кейинги пайтларда ўзбек матбуотида бу саноатчи ва тижоратчининг номи тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Унинг корхонаси Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар билан яқиндан яхши ҳамкорликнинг дастлабки қадамларини босмоқда. Биз бу ҳурматли меҳмонни суҳбатга тортдик.

— **Серқуёш диёримизга хуш келибсиз! Биринчи парвозингиз муборак бўлсин.**

— Ташаккур, яхши парвоз этиб келдик. Менинг назаримда ўтган асрлардаги қадимий катта карвон йўли иккинчи марта туғилди. Бу карвон йўлининг умри боқий бўлсин.

— **Сизнинг фирмангиз Ўзбекистон корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Унинг дастлабки самаралари ҳақида биз билан баҳамлашсангиз.**

— Икки йилдан буён Тошкентдек муқаддас шаҳарда фирмамиз бўлими қизғин ишлаб турибди. Биз Ўзбекистондан пахта, ўғит, мармар ва бошқа нарсалар сотиб оляпмиз. Унинг ўрнига эса Покистондан кийим-кечаклар, электроника буюмлари, халқ истеъмоли моллари етказиб беряпмиз. Ўтган йили 60 миллион долларлик ҳажмда бартер савдосини амалга оширдик. Бу йил эса 100 миллион долларга етади.

— **Сиз ўзбек халқининг аллома шоири, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг киндик қони тўқилган она ватанга марҳамат қилиб келдингиз. Шундай эмасми?**

— Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иккинчи ватанидан биринчи ватанига келдик. У айни пайтда Покистон халқининг буюк олими ва саркардаси бўлган. Менинг мамлакатимдаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган халқ бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги барча маълумотларни яхши билади. Демак биз ҳаммамиз ўша бобомизнинг авлодларимиз деб баралла айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон биз учун ардоқли ва севимли диёр. Унинг жамолини кўришга кўп йиллардан буён орзуманд эдик. Минг бор шукурларким, бу яхши кунларга етиб келдик. Энди ҳақиқий борди-келди муносабатларимизда ҳамкорлик эшикларимиз кенг очила берсин. Отаболаримизнинг руҳини шод этайлик.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

• *ҲУНАР-ҲУНАРДАН УНАР* •

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ

ЯНГИЧА ШАРОИТДА УЛАРНИ МАЛАКАЛИ ҚИЛИБ ТАЙЁРЛАШНИНГ ИМКОНИЯТ ВА ИЛК ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ МУОВИНИ Ҳ. МАЪСУДОВ БИЛАН СУҲБАТ

— **Хайритдин Фатхиддинович, бозор иқтисодиёти халқ таълими тизими, шу жумладан ҳунар-техника билим юртларида ҳам кенг ислоҳотлар ўтказишни талаб этяпти. Хўш бу борада тармоқда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Аввало шуни таъкидлаб ўтишим лозим: жумҳуриятимизнинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши бизнинг зиммамизга ҳам муҳим вазифалар юклаяпти. Эндиликда халқ таълими тизимини бутунлай қайта қуриш, янгича асосда ишни ташкил қилиш зарур бўлиб қолмоқда.

Сирасини айтганда, ўтган йилиёқ бу йўналишдаги ҳаракатлар бошлаб юборилганди. Мактаблар, билим юртларида ўқув-методик ишларни яхшилаш, шу кун талаблари даражасида янги дастурлар ишлаб чиқиш, ўқитувчилар фаолиятини кучайтиришга ҳамжиҳатлик билан киришилганди. Айниқса, ҳунар-техника таълимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозир билим юртларида халқ хўжалигининг барча соҳалари учун мутахассис ишчи кадрлар тайёрлаб берияпти. Бироқ эски Иттифоқнинг парчаланиши, жумҳуриятлар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши халқ таълимининг бу тизимига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Дейлик, йирик корхоналарда таъминот масаласида танглик вужудга келиши ва бинобарин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши туфайли ҳунар-техника билим юртларини тугатган мутахассисларга эҳтиёж кескин камайди.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти ҳам ўз талабларини қўймоқда. Биринчидан, янгича шароитда мутахассис тайёрлаш илгаригидек, сонига қараб эмас, балки сифатига, малакасига қараб қадрлана бошлади. Иккинчидан, ҳар бир соҳанинг талаб ва эҳтиёжига яраша ишчи ўринбосарлари етиштириб бериш лозим бўлиб қолди.

Биз бозорнинг айни шу хусусиятларини ҳисобга олиб, мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйдик. Даставвал ҳар бир минтақа учун қайси соҳадаги ишчи кадрлар зарурлиги аниқланди. Вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ўрганиб чиқилди. Шунга кўра, билим юртларида бир неча турдош касбга эга бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга киришилди. Масалан, токарлик ҳунарини эгаллаган ишчи бир йўла станокчи ёки чилангар вазифасини ва ҳатто машинасозлик ускунасини бошқаришни ҳам ўрганди. Хуллас, ёш мутахассис у ёки бу соҳадаги касб эҳтиёжига кўра ишга жойлашиш имконига эга бўлди.

— **Яширишнинг ҳожати йўқ: 1970—80 йилларда жумҳуриятимиз миллий кадрлар, айниқса саноат мутахассислиги бўйича ишчи-ўринбосарлари тайёрлаш ишига панжа орасидан қараб келинди. Маҳаллий аҳоли қолиб, четдан кўпгина ҳоллларда Россиядан ишчи кучи жалб қиليش авж олди...**

— Фикрингизга қўшиламан. Ўша даврдаги марказга тобелик ва узоқни кўра билмасдан олиб борилган сиёсат туфайли шундай хатоликларга йўл қўйилди. Ачинарлиси, биз аграр йўналишдаги жумҳуриятмиз дейилиб, бутун эътибор қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлашга қаратилди. 1980—1985 йилларда ҳунар-техника билим юртларини тугатган ёшларнинг 50 фоизи қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича, 19 фоизи эса саноат соҳасида касб-ҳунарга эга бўлдилар. Ўша йилларда халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида, жумладан қора металлургияда, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатида маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар етишмай қолди. Айрим йирик корхона раҳбарлари бу муаммони четдан ишчи кучи таклиф қилиш билан ҳал қилишга уриндилар.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак. Республика ҳудуди бўйича саноат мутахассислари тайёрлайдиган билим юртларининг нотекис жойлашганлиги ҳам маҳаллий аҳоли ҳисобидан ишчилар сафини кенгайтиришни тўхтатиб қўймоқда. Бугунги кунда уларнинг аксарият қисми йирик саноат марказларида жойлашган. Бизнинг минтақамизда эса тарихан таркиб топган шароитларга кўра қишлоқ аҳолиси ўтроқ яшашга ўрганган.

Ёшларнинг шаҳарга бориб таълим олишга имкониятлари ҳам етарли эмас. Шу боис, кўпинча саноат мутахассислигини эгалламоқчи бўлган йигит-қизлар ноилож-ликдан қишлоқ билим юртларида касб ўрганишга мажбур бўладилар. Эндиликда барча йўналишдаги ҳунар-техника билим юртларининг ҳудудий жойлашиши масаласи хусусида ҳам жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу борадаги ишлар ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ҳисобга олиб амалга оширилиши керак.

Тўғриси, жумҳурият ҳукуматига ўз халқи манфаатларини юқори қўядиган ишбилармон раҳбарлар келиши туфайли ўтган икки йил ичида ишчи кадрлар етиштиришдаги аҳвол тубдан ўзгарди. Маҳаллий миллат вакилларидан саноат, қурилиш, маиший хизмат ва транспорт соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш ишига ҳукумат эътибори кучайди. Қишлоқларда саноат бирлашмаларининг филиаллари, кичик корхоналар, цехлар очилиши бир қатор ҳунар-техника билим юртларини қайта ташкил қилишни тақозо этди. Икки йил давомида касб йўналишига қараб вилоятлардаги 110 дан зиёд билим юрти тўлиқ ёки қисман қайта тузилди.

Бугунги кунда замонавий типдаги билим юртлари ташкил этишга ҳам эътибор кучайтирилди. Яқинда Тошкентда жумҳуриятда ягона бўлган Калонов номидаги олий техника билим юрти очилди. Бу ерда ёшларга ЭҲМдан сабоқ бериляпти. Келажакда улар программист, электрон-ҳисоблаш машиналарига техник ишлов берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишадилар. Тошкентдаги 45-ҳунар-техника билим юрти малакали кадрлар тайёрловчи республика ўқув марказига айлантирилди. Тошкент трактор заводи қошидаги 36-ҳунар-техника билим юрти машинасозлик корхоналари учун, 11-ҳунар-техника билим юрти эса тармоқда янги технология ускуналарини бошқариш қобилиятига эга ишчи ўринбосарлар тайёрлашга киришди.

— **Хайритдин Фатхиддинович, айтинг-чи, жумҳуриятда халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклашда ҳунар-техника таълими имкониятларидан фойдаланиш мумкинми?**

Ҳунарманд-косиблар азал-азалдан халқимиз томонидан қадрланган. Улар ясаган буюмлар эса севиб харид қилинган. Бироқ совет тузуми даврида ҳунармандлар фаолияти чеклаб қўйилди. Заргарлар, пичоқчи-ю бешик ясовчи усталар ярим яширин ҳолатда меҳнат қилдилар. Фақат кейинги йилларда бу соҳада ўзгариш рўй берди. Мана, ҳозир эски ҳунармандчилик анъаналари тиклана бошланди.

Бу жараёндан биз ҳам четда турганимиз йўқ. Қишлоқлардаги ҳунар-техника билим юртларида дурадгорлик, кулолчилик, ганчкорлик, заргарлик, тикувчилик, каштадўзлик ва безак ишлари билан шуғулланувчи ёшларни тарбиялаб, ҳунар ўргатмоқдамиз. Билим юртлари қошида кичик корхоналар, махсус устахоналар ташкил этиляпти. Бу устахоналарда эшик, ром, стол-стул, хонтахта ва бошқа айрим мебель маҳсулотлари тайёрланяпти.

Андижон, Наманган ва Бухоро вилоятларида ана шундай ҳунармандчилик устахоналари шартнома асосида ишлаб турибди. Ёш усталар ҳом ашё етишмаса, буюртмачи келтирган ҳом ашёдан фойдаланиб, арзон нархдаги буюмлар ясаб бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу билим юртларида таълим олаётган ёшлар маълум бир касбни ўрганиш билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнида ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни сотиб, қўшимча маблағ топиш имконига ҳам эга бўлишяпти.

Ҳозир асосан қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Шундай шароитда ҳунармандчилик касбларининг тикланиши қўл келмоқда. Зотан, билим юртида таълим олиб, дурадгорликда ёки бирон бир бошқа касбда малака орттирган ёшлар ўз усти маблағ билан таминлаш манбалари кенгайиши мумкин.

Ҳозир билим юртлари ишлаб чиқариш корхоналари билан тузган шартномаларига мувофиқ миқдорда ва муайян касбдаги мутахассисларни тайёрлаш ҳуқуқига эга. Бу, албатта, мустақил фаолият кўрсатиш имконини беради. Шу имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ҳунар-техника билим юртлари моддий аҳволи яхшиланиши лозим.

Бундан ташқари, бозор шароитида корхоналар иш ҳақи фондидан солиқ ундириш орқали ҳам ҳунар-техника билим юртларини бюджет маблағлари билан таъминлаш мумкин. Хорижий мамлакатларда, хусусан Франция ва Бразилияда бу усулдан самарали фойдаланишяпти. Хуллас, ушбу маблағлар қисман бюджет ҳисобига ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат механизми бўғинларидан бири сифатида ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини кенгайтириш зарур.

— **Сиз ҳозир ҳориж тажрибасини мисол қилиб келтирдингиз. Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришда чет эллар билан ҳамкорлик қилиш фойдали эмасми?**

— Албатта, хориждан ўрганса арзигулик тажрибалар кўп. Масалан, АҚШда 1963 йилдан буён ҳунар таълими ҳақида қабул қилинган қонунга амал қилинмоқда. Унга кўра, ҳар бир штат ҳунар таълимининг беш йиллик дастурини ишлаб чиқади. Бу соҳадаги ташкилий ва режалаштириш тадқиқотларини Миллий академия қошидаги ҳунар таълимини ўрганиш қўмитаси амалга оширади. Франция, Япония ва Германияда ҳам ҳунар-техника таълимига катта эътибор берилади.

Яқинда биз Туркия сафарида бўлиб қайтдик. Бу мамлакатдаги ҳамкасбларимиз билан учрашиб, уларнинг тажрибасини ўргандик. Туркияда техник лицейлар кўп экан. Ёшларга ҳунар беришнинг бу йўналиши бизга маъқул келди. Яқин келажакда республикамизда техник лицейлар ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳунар-техника таълимида бошқа мамлакатлар билан ҳам алоқалар ўрнатиш ниятимиз бор. Бироқ биз бу соҳада четдан нусха кўчирмасдан, таркиб топган миллий-маданий, ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўзимизга хос бўлган ҳунар-техника таълими тизимини яратишга ҳаракат қиламиз. Ҳозир бу йўналишда ишлар бошлаб юборилган. Тез орада республика Халқ таълими вазирлиги ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини такомиллаштиришнинг янгича концепциясини ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этади. Кўпчилик уни маъқулласа, ўйлайманки, ушбу концепция жумҳуриятда ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг ва, бинобарин муносиб ишчи-ўринбосарлар тайёрлашнинг давлат дастури бўлиб хизмат қилади.

— **Хайрли режалар ўринлашига барор тилаймиз.**

Суҳбатдош

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• **ХАЛҚ АЁЛДАН БОШЛАНАДИ** •

Мухбиримиз район, вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари раислари бир гуруҳи билан учрашиб, жойлардаги хотин-қизлар манфаати йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилди.

БИЗГА ИШОНИШАДИ

Жамиятимизнинг энг оғир хасталикларидан бири ёш оилалар муаммосидир. Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, оилавий жанжалларга кўпинча қайнона-келин келишмовчиликлари сабаб бўлаётир. Хўш, нима қилиш керак? Қўмитамиз фаоллари бу ҳақда кўп бош қотиришди. Юз бор гапиргандан, панд-насиҳат қилгандан кўра бир бор кўрган яхши деганларидек, «Қайнонам — онам», «Келиним — болам» мавзуида кичик-кичик театрлашган саҳна асарлари тайёрлашга қарор қилдик. Унинг ижрочилари ҳам қўмитамиз қошидаги ҳаваскорлар ва фаол аёллар бўлишди. Томошабинларимиз эса тўрт-беш келинли қайноналар ва кўп овсинли келинлар эди. Улар бир ярим соатлик томошалардан қайноналар ва кўп овсинли келининг қайнонага ҳурмат, иззат-эътибори қандай бўлишлиги ҳақида миллий қадриятларимиздан озуқа олдилар.

Вилоятимиздаги фаол шифокорлар, ҳуқуқшуносу шоира, ёзувчи, хонандалар, ёшлар ва ветеранлар ташкилотларининг билимдон вакилларидан гуруҳ тузиб, олий билимгоҳлар, билим юртлари, ўрта мактаб ўқувчилари, колхоз ва совхоз, саноат, корхоналаридаги ёшлар биқизлар қўмитаси ташкил топганига сал кам бир йил бўляпти. У ташкилий, маънавий жиҳатдан оёққа туриб олди, десам бўлади. Энг муҳими, бизнинг яхши ишларимиз тилга туша бошлади. Масалан, вилоятда сайлов йўли билан беш нафар аёл район халқ демократик партияси котиблигига сайландилар. Бу катта гап. Бу бизнинг ташвиқот ишларимизнинг самарасидир. Яна бир янгиликни мамнуннят билан айтишни истардим: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ўзининг кўчма семинар-кенгашини бизнинг вилоятда ўтказди. Бу учрашувдан сабоқ олиб, ишларимизни янада самаралироқ йўлга қўйишда фойдаланаётирмиз.

Ҳамма гап шундаки, район, шаҳар, вилоятимиз раҳбарлари қўмитамиз ишларига жон-диллари билан яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар. Бу бизга катта куч ва мадад бериб турибди.

Бўритош ШОДИЕВА,
Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси.

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Фаолиятимизни хотин-қизларнинг иш билан бандлик даражасини чуқур ўрганишдан бошладик. Вилоятимиздаги 13 минг қаҳрамон онанинг ижтимоий аҳволи, уларнинг жамиятда тутган ўрни, турмуш тарзини ўрганиб чиқдик. Энг муҳими, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш дастурини ишлаб чиқдик. Мисол учун 10—14 фарзандни тарбиялаган қаҳрамон онага қандай имтиёзлар бериш мумкин? Дўконлардан навбатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари олишгами ёки уй олиш учун имтиёзли навбатга қўйишми?! Ўнлаб фарзанд тарбиялаётган онага нега меҳнат дафтарчаси очиш мумкин эмас?! Қўмитамиз камқон аёлларга кўрсатиладиган медицина хизмати ва озиқ-овқат таъминоти аҳволини ҳам жиддий ўрганмоқда. Негаки, камқон аёллар сони тобора кўпайиб боряпти. Улар учун кундузги даволаниш шифохоналари очиш, ёки шифохоналардаги ўриндиқлар сонини кўпайтириш керак. Ўзбек аёлининг ўзига хос жиҳатлари бор. У жонидан ўтиб турса ҳам бола-чақам дейди. Шундай экан, кундузги даволаш муассасаларини кўпайтириш улар учун жуда қулайдир.

Бола уч ёшга тўлгунча тўланадиган нафақа миқдорини кескин кўпайтириш кераклигини ҳаёт тақозо этмоқда. Акс ҳолда иложсизликдан оналар муддат тугамаёқ ишга чиқиб кетишлари мумкин. Шунингдек, оналарга ёш боласи туфайли бериладиган таътилни уч йил эмас, беш йилга узайтириш тарафдоримиз. Оналар иш соати қисқартирилган иш кунига ўтказилса, болалар тарбияси учун вақт бирмунча кўпайган бўларди. Бунда тўла маош билан таъминлаш, албатта, мақсадга мувофиқдир.

Раҳбарлик ишларига кўпроқ аёларни жалб этиш масаласи ҳам қўмита диққат-эътиборида турибди.. Кўряпсизми, олдимизда бир-биридан ўткир муаммолар бор. Уларни ижобий ҳал этиш эса хотин-қизлар аҳволини бирмунча бўлсада енгиллаштиради, деб ўйлаймиз. Ниятимиз — холис, истагимиз — пок.

Қўмитамиз ўз низомига эга. Мақсадимиз, вазифамиз аёлни иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ҳимоялашдир. Шу мақсадда банкда ўз ҳисобимизни ҳам очдик. Хўжалик фаолиятимизни ривожлантириш ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Шодиой МАНСУРОВА,
Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ДАРДКАШ

Ғиждувон район хотин-қизлар кенгашининг фаолияти ҳам ранг-баранг. Шулардан бир шингилини айтиб бермоқчиман. Уч йилдирки, район хотин-қизлар кенгаши қошида «Дардкаш» клуби ишлаб турибди. Клуб фаоллари хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшиш, заррача бўлса-да, қишлоқ аёли хонадонига енгиллик олиб кириш, улар ташвишлари, қийинчиликларини бироз бўлса-да юмшатиш йўлида хизмат қилаётир. Аммо қанчалар астойдил истасак ҳам давра суҳбатлари, турли-туман кечалар ўтказсак ҳам барча оилаларга кириб бориш, ҳамма муаммоларни қамраб олиш қийин кечди. Шу боисдан хотин-қизлар учун «Дардкаш» номи билан газета чиқаришга қарор қилдик. Халқ депутатлари Ғиждувон район Кенгаши хотин-қизлар кенгашининг қарорини маъқуллади ва газетага муассислик ҳам қиладиган бўлди. Районимизда аёллар меҳнати ва соғлиғини муҳофаза қилиш борасида хайрли ишлар қилина бошлаганига минг бор шукур.

«Дардкаш»нинг мақсади хотин-қизлар муаммолари орзу-ўйларини ифода этиш, оила қадриятини эъзозлаш, фарзандларимизни раҳму шафқат, иймону эътиқод, каттага ҳурмат, кичикка мурувват руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, инсон зотини инсофга чорлаш, улар қалбига яхшилик, меҳр-оқибат уруғларини сочишдир. Шунинг учун ҳам аёлга яхши дўст, маслаҳатчи, опа-сингилгина эмас, дардкаш бўламиз, деб майдонга тушдик. Нечоғлиқ уддалаймиз, буни вақт кўрсатади. Бу эзгу ишларда жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари, муштарийларимиз бизга ҳамкору ҳамнафас бўлишларидан умидвормиз.

Бахшанда БОЛТАЕВА,
Ғиждувон район хотин-қизлар кенгаши раиси.
Суҳбатдош
Дилбар МАҲМУДОВА.



Самарқанд пойабзал фабрикасининг Самарқанд райони «Москва» жамоа хўжалигида янги филиали очилди. Бу ерда ҳар сменада мўлжалдагидан анча кўп болалар пойабзали тайёрлаб чиқарилмоқда.

Суратда: илғор пойабзалчилар Хосият Набиева ва смена устаси Жамила Муталибоева.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг бир гуруҳ вакиллари Ўзбекистонга келдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва унинг комитетлари фаолияти билан танишдилар.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши вакиллари сафар давомида республика Ташқи ишлар вазирлигида, бошқа муассасалар ҳамда жамоат ташкилотларида бўладилар, кўҳна Самарқандга борадилар.

(ЎзА).

● Меҳр-мурувват кўрсатиб

«ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧЕРНОБИЛЧИЛАР»

Чернобиль атом электр станциясида рўй берган фожеа ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Унинг асорати ҳали-бери тугамайдиганга ўхшайди. Буни, айниқса, ёнғинни ўчиришда, бебош ёвузкучни жиловлашда қатнашганлар ҳис этишмоқда. Улар орасида республикамиз вакиллари ҳам бор. Собиқ чернобилчилар бошини бир жойга қовуштириш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ногиронларни даволаш ва дам олишларини ташкил этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимоялаш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, айрим вилоятларда «Чернобиль» ўзаро ижтимоий ёрдам жамиятлари тузилган. Мана энди Ўзбекистонлик собиқ чернобилчилар Тошкентга йиғилишмоқчи. Шу йил 19 март, пайшанба куни эрталаб соат ўнда Округ офицерлари уйида «Ўзбекистонлик чернобилчилар» республика уюшмасини ташкил этиш бўйича таъсис конференцияси ўз ишини бошлайди. Анжуман янги жамоат ташкилоти олдида турган вазифаларни белгилаб беради.

Конференция делегатлари диққатига: рўйхатдан ўтиш 18 мартда бошланади. Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилиш мумкин: 74-80-45, 74-93-25.

НОГИРОНЛАР ИЗЗАТДА

Жумҳуриятимизда кам таъминланган оилалар, ногиронлар, турли офатлар натижасида зарар кўрганларга ёрдам бериш, уларни ижтимоий ҳимоялашга даъват этилган жамғармалар анчагина. Аммо жумҳурият «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси» аҳоли ўртасида алоҳида ҳурматга эга. Унинг эътибори кундан-кунга ошиб боряпти.

Бунинг боиси бор, албатта. Жамғарма жамоаси профессор Шабот Хўжаев бошчилигида эл назарига тушадиган жуда кўп тадбирларни амалга оширяпти. Улар ёрдам сўраб келганларнинг деярли барчасига меҳр-мурувват кўрсатибгина қолмай, кўмакка муҳтожларни ўзлари излаб топишяпти. Шунинг учун ҳам жамғарма жамоаси аъзолари кириб борган ҳар бир хонадон уларнинг саҳоватидан баҳраманд.

Куни-кеча жумҳурият «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси» Тошкент шаҳри «Меҳр-шафқат жамғармаси» билан биргаликда навбатдаги хайрли тадбирни ўтказди. Шу куни пойтахтимизда истиқомат қилаётган ногиронлардан юздан ортиқ киши фахрийлар чойхонасининг мухташам залига тўпландилар.

Жумҳурият «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси»нинг раиси Шабот Хўжаев йиғилганларни кириб келаётган Наврўз айёми билан табриклаб, жамғарма фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси Неъматилла Раҳматуллаев, кўзи ожизлар жамияти республика правлениеси раиси ўринбосари Насиба Санъатовалар ногиронлар номидан меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси жамоасига самимий миннатдорчилик билдиришди.

Сўнгра йиғилганларга бепул овқат тарқатилди. Қуйқўшиқлар янгради. Акмал Икромов районидаги 483-болалар боғчасининг «Ғунча» ансамбли кичкинтойларининг чиқишларини залдагилар, айниқса, олқиш билан кутиб олишди. Шу куни бу ерга келган ҳар бир киши уч юз сўмлик кийимбош, озиқ-овқат маҳсулотларини олди.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

* * *

Суратда: республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси» раиси профессор Шабот Хўжаев, раис муовини Мухтор Усмонхўжаевлар уруш ва меҳнат фахрийси Неъматилла Раҳматуллаев, Ортиқхўжа Ортиқхўжаев ва Қурбонбиби Исҳоқоваларга ҳайрия совғалари топширишмоқда.

Т. ШАРИПОВ олган сурат.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ 16 – 22 март

(«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ» ҲАФТАЛИГИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

16, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Болалигим гулбаҳор». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Билиб қўйган яхши». 19.35 «Ўзбекистон» киножурнали. 19.55 Ўзбек куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Учрашув». 22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Кўҳна оромгоҳлар». Кинопрограмма. 11.30 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.

18.30 Болалар учун. «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум». 19.50 «Фарғонанинг мовий халқаси». Телефильм. 20.00 «Лаҳза». 20.10 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Қурилиш: тажриба ва муаммолар». 21.10 Кичик концерт. 21.30 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм. 23.00 «Лаҳза».

● «ОРБИТА IV»

6.00 Тонг». 8.30 Кўрсатувлар тартиби. 8.35 Мультфильмлар. 9.25 Вячеслав Зайцевнинг модалар театри. 10.25 «Дарё бўйлаб 100 чақирим». Бадиий фильм. 11.30 «Астрахань қирғоқлари». 12.00 Янгиликлар. 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бу бўлган, бўлганди...». 15.45 «Кўрқма, мен сен билан». Бадиий фильм, 1-серия. 16.55 Зуфар Хайрутдинов куйлайди. 17.10 Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.25 Футбол шарҳи. 18.55 Мультфильм. 19.00 «НЭП». 19.40 «Дарё бўйлаб 100 чақирим». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Янги студия» таништиради. 22.10 Муаллифлар ойнаи жаҳони. 22.45 «Янги студия» таништиради. 00.15 «Иссиқ ўлкалардан салом». 01.15 «Тақдир чизиғи». Ҳужжатли фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 10.05 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 10.55 «200-юкли рейс». В. Цветов шарҳи. 11.35 «Бурда моден» таклиф этади. 12.05 Криминал канал. «Мутлақо маҳфий». 13.00 «Любэ» гуруҳи. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Ишлар қандай, агроислоҳот?». 15.55 Болалар соати. 16.55 Танаффус. 17.10 «Мураккаб ёш» студияси. 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар 18.00 Хабарлар. 18.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 18.35 «Пингвинча». Мультфильм. 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Бизнес ва сиёсат». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш». 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак». 23.20 «Россия билан юзма-юз». 23.35 Бешинчи ғилдирак». 00.20 Спорт хабарлари. 00.30 Бадиий гимнастика.

17, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Дарахт ва унинг новдалари». 8.55 «Тақдир инъоми». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик». 10.40 «Матонат». 11.40 Эстрада концерти.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик оқшоми». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 «Баҳор ва Наврўз тароналари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Спортлото». 21.00 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 21.15 «Тадбиркорлар». 22.15 «Кино осмонида чақнаган юлдузлар».

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Тўс-тўполон». 18.55 «Светлана Норбоева ҳузурида». 20.00 «Бу оқшомда». 21.30 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.05 «Масхарабозлик гуноҳи». Бадиий фильм. 11.30 Футбол шарҳи. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Ритмик гимнастика. 12.50 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 13.20 «Менга қолса фермер бўлардим». 13.40 Концерт. 14.15 «Қора лайлак». Мультфильм. 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Савдо растаси». 14.45 «Бу сизга керакми?». 15.00 Янгиликлар. 15.25 Узоқ умр кўриш учун. Чиниқиш. 15.40 «Кубанча тўй». 16.15 «Қўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.35 «Вера ва Анфиса ҳақида». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Қуённинг ҳаммоми». Мультфильм. 18.35 «Ҳамма циркни севади». 19.20 Телефильм. 19.45 «Хонаки куй». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 23.00 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатуви. 23.30 «Тунги альбом». П. Васильев шеърияти. 24.00 «50х50». Телетомоша.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан». 9.05 Француз тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 «Бешинчи ғилдирак». 12.20 «Сиз учун Михаил Новохижин куйлайди». 12.45 «Нептун байрами». Бадиий фильм. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. 16.15 «Простор». Телебиржа. 16.45 «Ҳаёт кузи». 17.00 «Терминал». 17.30 ТрансРосэфир. «Катанга — Шимол экзотикаси». 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Салют, Америка!». 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Паррандалар биз билан ёнма-ён». 19.20 «Россия ва дунё». 19.50 «Петербург афсонаси». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Чўқинтирган ота». «Ичкаридан қараганда». Ҳужжатли фильм. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.30 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш». 2-қисм.

18, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Қўнғироқча». Бухоро қўғирчоқ театрининг спектакли. 8.55 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм. 10.15 «Ёшлик». 10.55 «Анъана ва замон».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 «Яхшидан боғ қолади». 18.45 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари ҳузурида мусиқий кўрсатув. 20.00 «Санъат оламида». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. 21.40 «Гулноранинг гулдастаси». 22.25 «Икки дил достони». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Телефильмлар. 11.30 «Абу Али ибн Сино». Бадиий фильм.

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 «Кино кўзгуда ҳаёт». 20.20 «Спринт». 20.40 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм. 22.10 «Ялла» жамоаси концерти.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.05 «ЭСД». Бадиий фильм. (Польша). 10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Пи» белгиси билан. 12.50 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.05 Қозон шаҳри ҳақида телефильм премьераси. 13.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Қўшиқ шинавандасига тортиқ». 15.55 «Авлод-аждодлар водийси». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм, 2-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Парнас сари бир босқич». 18.40 «Максима». 19.10 «ЭСД». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 8.50 Ишдан бўш пайтим». 9.05 Немис тили. 9.35 «03» кўрсатуви. 10.05 Сиёсий бўлим. 10.45 «Чумчуқча». Мультфильм. 10.55 Концерт. 11.25 Россиянинг телевизион театри. «Қочиш». 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. 15.55 Болалар соати. 16.55 «Жаҳон бозорининг калити». 17.25 «Севги изҳори». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Транс-Росэфир». 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.20 Криминал хабарлар. 19.35 «Осиё овози». Олмаота шаҳрида замонавий қўшиқлар халқаро танлови. 20.00 «Эконом». 20.15 «Ҳар бир кун байрам». 20.25 «Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ». 21.20 Парламент хабарномаси. 21.35 Россиянинг телевизион театри. 22.00 Хабарлар.

19, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон. 8.25 «Қалдирғоч». 8.55 «Мерседес ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия. 10.00 «Ёшлик». 10.40 Болалар учун. «Дадам ҳамиша илдам». 11.25 «Замандас».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 Мумтоз куйлардан концерт. 21.40 «Ёшлик».

● ЎзТВ II

10.30 Ботаника. 11.00 «Ер қаъри». Телефильм. 11.30 Ўзбек адабиёти.

18.30 «Чимён». 18.45 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.00 «Унутмас мени боғим». 10.40 «Саҳнанинг орқа томонида». 11.40 Л. Власенко чалади (фортепиано). 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Босқичлар». 13.05 «Ҳайвонот оламида». 13.50 Россия Давлат духовой оркестри чалади. 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 «Бир якшанбада». Бадиий фильм. 17.00 «Кукурик ва компания». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 «Мусиқа тинглашга таклиф этамиз». 20.25 «007 рейс билан» .«Корейс «Боинг-747»синнинг рус сири». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 23.00 «Мавзу». 23.45 «Танго, танго, танго». 00.15 «Салом, она Россия». 00.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Мцен уездилик леди Макбет».

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 8.50 «Диққат, сувратга олаяпман». 9.05 Испан тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 12.15 «Кечир». Бадиий фильм. 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Асаларичиларга маслаҳатлар». 16.50 «Телеэко». 17.25 «Байрам». 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Очиқ дунё». 19.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 19.20 «Россия билан юзма-юз». 19.35 «Ҳар бир кун байрам». 19.45 Махсус тижорат хабарномаси. 19.55 «Исроил ҳақида тушлар». 20.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.05 Эълонлар. 21.10 Россиянинг ҳужжатли экрани. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Бешинчи ғилдирак».

20, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Мактабда Наврўз байрами». 9.05 «Мерседес ҳайдаган одам». Бадиий фильм, 2-серия. 10.10 «Чаманда гул». 11.35 «Ишбилармон олимлар давраси».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик оқшоми». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 «Баҳор ва Наврўз тароналари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Хотира». 21.05 «Кимсан чавандоз?». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Информатика. 11.00 «Ўлкада баҳор». Кинопрограмма. 11.40 Биологиядан ўқувчилар олимпиадаси.

18.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 «Болалар мусиқий клуби». 9.15 Театр учрашувлари. 10.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Эльдорадо». 12.55 «Саёҳатчилар клуби». 13.55 «Адигон» ансамбли ижро этади. 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «ФФФ». 15.45 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм. 17.00 «Янгра гармоним!». 18.00 Янгиликлар. 18.25 Таэквандо. МДҲ — Англия — Қурия матчи. 18.40 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 10-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Кўрсатувлар тартиби. 21.25 «ВИД» таништиради. 00.35 «Тонг юлдузи» тунги эфирда. 01.35 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 02.15 «Авиаспорт». «Юлдузлар» пойгаси. 02.45 «Лўли ҳикоялари». Фильм-концерт.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.05 Инглиз тили. 10.35 Сиёсий бўлим. «Бундай партия йўқ». 11.30 «Кўнгил очар ўйинлар». 11.55 «Бешинчи ғилдирак». 13.40 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Тадбиркорлик ва қишлоқ». 14.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги. 15.00 «Простор+». Телебиржа. 15.30 «Рашен Пайлот». 15.50 «Муаллифлик кўшиқлари». 2-кўрсатув. 16.40 Парламент хабарномаси. 16.55 «Бизнинг экспертиза». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «НАТО»дан репортажлар. 18.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 19.05 «Версия». 19.20 Христианлар учун кўрсатув. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Тилла шпера». 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Театр бекати. Актёрлар тунги клуби. 2-кўрсатув. «Уйим тўри, қалбим қўри». Бадиий фильм.

21, шанба

● ЎзТВ I

21 МАРТ КУНИ СОАТ 9 ДАН 22 МАРТ СОАТ 10.00 ГАЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, МЕҲР-ШАФҚАТ» ШИОРИ ОСТИДА НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ҲАЙРИЯ ТЕЛЕМАРАФОНИНИ ЎТКАЗАДИ.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

7.30 Ишбилармон кишининг. тонги. 8.30 Тонгги мусиқий кўрсатув. 9.00 «Марказ». 9.40 «Мусиқий дўкон». 10.10 «Фортуна». 10.40 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 11.55 Мусиқа антологияси. 12.35 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.15 «ДТ-75Т» трактори». 13.25 «ЭХ». 13.40 «Федоскино санъати». 14.00 Янгиликлар. 14.25 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг фильм-балетлари. 15.25 «Лимпопо». 15.55 «Камалак». 16.25 «Пи» белгиси билан. 17.15 «Майя ариси». 17.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм, 18.40 «Қизил квадрат». 19.20 «Саккиз қиз — бир ўзим». 19.50 «Корейс «Боинг-747» синнинг рус сири». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Кутилмаган». Бадиий фильм. (АҚШ). 22.40 «Тасанно». 00.25 «Уэмбли йўлида». Футбол бўйича 1992 йилги Англия кубоги. 01.25 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 01.55 «Даврани кенгроқ олинг».

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Чашма». 9.00 Миллий баскетбол уюшмаси баскетбол шарҳи. 9.30 «Ҳужжатли экран». 10.15 «Пилигрим». 11.00 «М-трест». 11.30 «Петербург могиканлари». 12.00 «Познер ва Донахью». 13.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 15.00 Эскулап». 15.10 Россиянинг телевизион театри. 15.45 «Чистие прудидаги уй». 17.15 Русча стил. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.35 «Балетнинг мингта такти». 19.45 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 20.15 «Ҳар бир кун байрам». 20.25 «Учқур» гусарлар эскадрони». Бадиий фильм, 1-серия. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар.

22, якшанба

● ЎзТВ I

18.00 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Истеъдод». 19.50 «Оламга саёҳат». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Ҳадя бўлсин сизга гул ҳам, қўшиқ ҳам».

● ЎзТВ II

14.20 — 22.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Мустақиллик. Тинчлик, Меҳр-шафқат» шиори остида Наврўзга бағишланган «Дўстлик» видеоканали.

● «ОРБИТА IV»

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото». 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.15 «Эрта саҳарлаб». 9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.25 Янги номлар. 11.15 «Франция. Бизнеснинг оддий сири». 2-қисм. 11.40 Кино ҳақиқатми? «Маҳфий мисия». Бадиий фильм. 13.50 «Саёҳатчилар клуби». 14.50 Янги авлод танлайди. 15.45 Хоккей. МДҲ чемпионати. 17.30 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан?». 17.50 «Уолт Дисней таништиради...». 18.40 «Телелоция». 18.50 «Икки ҳикоя учун сюжет». Бадиий фильм премьераси. 20.05 «Туш». Мультфильм. 20.15 «Саккиз қиз —бир ўзим». 20.45 Юрий Антоновнинг «Олтин диск»и. 22.00 «Якунлар». 22.50 «Брэйнгринг». 23.50 «Рақслар, рақслар, рақслар». Россия бал рақслари юлдузлари (АҚШ). 00.20 «Мисрда тайёрланган».

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Ҳужжатли экран». 9.00 «Хоҳ ишонинг...». 9.30 «Вера ва Анфиса мактабда». Мультфильм. 9.40 «Дарча». 10.10 Фольклор. 11.05 «Суперкитоб». 11.30 «Ати-бати...». 12.00 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати ва жаҳон кубоги. 13.00 «Пеликан» акцияси. 14.20 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 «Учқур гусарлар эскадрони». Бадиий фильм, 2-серия. 23.45 Театр сафари. «Ёлғиз кулгигина эмас...».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ФАРҒОНА «ОЛТИН ВОДИЙ» УНИВЕРСАЛ БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

20—21 МАРТ КУНЛАРИ ОЧИҚ САВДОЛАР ВА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ҚАТТА БАЙРАМ ПРОГРАММАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Биржа очиқ савдоларида қатнашиш учун биржалар ва брокерлик идораларидан аризалар қабул қилинмоқда.

Аризалар 4-09-88, 4-72-86 ва 4-72-83 телефонлари орқали қабул қилиняпти.

Очиқ савдолардан сўнг катта байрам дастурини томоша қиласиз.

Байрамда «ОЛТИН ВОДИЙ» Биржаси томонидан ташкил қилинган «шведча стол» дастурхони ёзилади, «Ўзбекистон юлдузлари» театр студияси томоша беради.

ДАВАНЬ, ПРАГОНА, ПАРҚАН, ФАРҒОНА

Бу — мафтункор қизлари, ранг-баранг урф-одатларга бой аҳолиси, чарақлаб турган қуёши, зумрад мевалари, ҳуштаъм оби-нонлари, саҳий меҳмоннавозлиги, фарғоначa лаззатли палови билан тилга тушган, Шоҳимардон тоғларидаги шифобахш булоқлар ва ором масканлари, маданий ва тарихий ёдгорликлар, хонлар саройлари, ўймакорлик ва нақшинкорлик усулида бунёд этилган масчитлар, будда ва зардуштийлик обидалари жойлашган, кулолчилик, заргарлик, каштачилик, кандакорлик, ёғочкорлик, кўнчиликнинг моҳир усталари яшайдиган нурафшон диёр.

Бу масканнинг Ўш, Қўқон, беш минг ёшга кирган Аввал, Марғилон, Хўжанд, Наманган сингари кўҳна шаҳарлари бор.

Бу диёр ўзининг Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний, Хувайдо, Саккокий, Олой маликаси—Қурбонжон Додҳо, Мукарама Турғунбоева, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Таваккал Қодиров, Шерали Жўраев, Йўлдош Сулаймон, Сергей Гурбелашвили, Энвер Измайлов, Сергей Алибеков, Шамшод Абдуллаев, Абдужаббор Абдулҳамидов, Шарофиддин Юсупов, Баҳром Мирзабоев сингари кўплаб шоиру ёзувчилари, санъат юлдузлари улуғ зотлари билан фахрланади.

ФАРҒОНА

Бу — Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларидан бири. Ҳар йили 20 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот беради. Вилоятнинг 18 корхонаси «ОЛТИН ВОДИЙ» биржасини ташкил қилгани тасодиф эмас. Уларнинг орасида Марғилон шаҳрининг жаҳонда машҳур «Атлас» фирмаси, Фарғона шаҳрининг йирик «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон шаҳрининг Ўзбекистон ва бутун Урта Осиёда донг таратган пойабзал ва пайпоқ-йигирув ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона химиявий тола заводи ва қурилиш индустрияси сингари корхоналари бор. «ОЛТИН ВОДИЙ» ўз номи каби бетакрор ва беқиёсдир.

«ОЛТИН ВОДИЙ» пилласи, пахтаси, ипаги, қимматбаҳо қоғозлари, атлас, химиявий толаси, ранг-баранг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сабзавот ва мевалари, доривор шифобахш ўсимликлари, турли хил қадимий халқ бадиий ҳунармандчилиги, саёҳат ишқибозларига мўлжалланган хушманзара масканларига эга.

ЖАНОБЛАР, ШОШИЛИНГ! ФАРҒОНА «ОЛТИН ВОДИЙ» УНИВЕРСАЛ БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИНГИЗГА ТЎЛА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Манзилгоҳимиз — 712000, Фарғона шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-уй.

Телефакс — (код 373-22) 4-09-88.

Телефонлар — 4-09-88, 4-72-83, 4-20-67.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кимё илмгоҳи жамоаси физик-кимёвий таҳлил азмойишгоҳи мудири, кимё фанлари доктори, профессор Х. Шариповага волидаи муҳтарамаси

МУҲАРРАМХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Деҳқонлар уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси колхозлар кенгаши колхоз ишчилари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Қориевга падари бузруквори

Қуддуз ҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

• ОЙНАИ ЖАҲОНДА ТУРКИЯ НИГОҲИ

ЕР ЙЎЛДОШИ ҚЎЛ КЕЛДИ

●Ўзбекистон телевидениесининг иккинчи дастури бўйича ҳар куни кўрсатувлар ниҳоясига етгандан кейин ойнаи жаҳонимиз кўзгусида Туркия телевидениесининг кўрсатувлари пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб, 1,5—2 соат давом этадиган синов тариқасида олиб кўрсатишлар муваффақиятли боряпти. **Бу ишни «Комбо» фирмаси амалга оширмоқда. Унинг бошлиғи Николай Урлауб бундай деди:**

— Биз мустақил Ўзбекистонимиз телетомошабинлари учун муносиб совға ҳозирлаётирмиз. Биринчи марта қўшни мамлакат телевидениеси кўрсатувларини олиб акс эттиришга қадам қўйилмоқда. Туркиянинг орбитада ишлаб турган Ер сунъий йўлдоши бу ишни бажариши ғоятда қўл келди. Дастлабки синовлар яхши боряпти. Техника воситаларимиз Тошкент яқинидаги гидрометеорология станциясига ўрнатилган. Муҳандис ва техникларимиз коинотдаги сон-саноқсиз тўлқинлар орасидан Туркия телевидениесининг диапазонини аниқ топишга эришдилар.

Ниҳоят, мустақиллигимиз шарофати туфайли Ўзбекистонимиз ойнаи жаҳонида қадимий Туркиянинг гўзал шаҳарлари манзараларини, истеъдодли ҳофизларнинг оҳанграбо қўшиқларини, кино усталари тайёрлаган бадиий фильмларни, кичик саҳна асарларини кўришга муяссар бўляпмиз. Экрандаги тасвир ғоятда тиниқ ва нафис. Айниқса, рангли телевизор экранида гўзал аксини топмоқда. Ҳозирги замон техникасининг маҳорати бу қондош ва жондош мамлакат дўконларидаги мўл-кўлчиликни, кўчаларда одамларнинг иффатли юришини ва бошқа кундалик воқеаларни томоша қиляпмиз.

Ўзбекистон телевизион маркази бош муҳандиси Ҳанафи Исматуллаев бундай деди:

— Коинот узра турли мамлакатларнинг телевидение учун хизмат қиладиган Ер сунъий йўлдошлари жуда кўп. Ҳозирги пайтда исталган мамлакатнинг кўрсатувларини тез ва аниқ трансляция қилишга қодирмиз. Бунинг учун ўзаро келишув шартномалари тузилиши лозим. Бу борада биринчи марта Ўзбекистон ва Туркия ўртасида телевидение саҳифалари очилишига оз қолди.

А. ҲОЖИАКБАРОВ.

• Маънавият

САХОВАТЛИ БЎЛАЙЛИК!

● Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю, аммо узоққа етади. Очкўз одам муҳаббатдан қочган, ўз қалбида адоватга йўл очган бўлади. Очкўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаш қийин-у, лекин тез синади.

ЮСУФИЙ.

● Саховатли киши шундай кишики, биров сўрамай, олдиндан ўзи билиб ҳадя қилади.

● Имконинг кўтаришига қараб сахийлик қил, бировларга тақлид қилган ҳолда сахийлик қилма! Қарз олиб, бунинг эвазига қилинган сахийлик қандай сахийлик бўлади, бошқаларнинг молидан олиб, бировларга едиришдан нима фойда?!

Абдибек ШЕРОЗИЙ.

● ҲИКМАТ. Олийҳиммат ва саҳибдавлат шундай кишики, яхши хулқ ва чиройли одат билан катта-ю кичикни ўз муҳаббати домига илинтиради, дўстлик уруғини кўнгил ерига экади, азизлар ва улуғлар йўлига ибрат кўзи билан боқади, қариндош-уруғлар ҳақини имкони борича адо қилади, дўстларини қўлидан келганча ҳурматлайди, ўлиб кетган ёру-биродарларининг авлодини яхшилик билан тақдир этади.

Мунниддин Жувайний.

• Ислом ва ҳозирги давр

РАТА НОВОСТИ

Соиздатели: Российское информационное агентство "Новости" и Народная академия культуры и общечеловеческих ценностей

Исламский вестник

Маданият ва умуминсоний қадриятлар Дорилфунун 1989 йил, октябрь ойида ри «Новости» Россия ахборот агентлиги хабарномалар туркумини нашр этмоқда. хабарноманинг бош шиори ана шундай одоб, бу — ҳаёт тарзи, бу — маданият.

Хабарномалар туркумида ислом дини си-шариф таҳлили, турли мавзуларга ўқиш мумкин.

Халқ дорилфунуни Москвада жойлашган. ташкил топган. Мазкур ташкилот ходимла- билан ҳамкорликда «Исламский вестник» «Ислом ҳақида ва ислом учун» — Ахир, ислом бу — таълимот, бу — ахлоқ- бу — тафаккур тимсоли.

тарихи, Қуръони карим тафсири, ҳади- оид мақолалар, шарҳлар, савол-жавобларни

Маккага ҳаж — исломнинг беш асосий рукнларидан бири. Қуръони карим ва мубарак ҳадис-шарифда бу ҳақда ёзилган. Чиндан ҳам ҳаж ҳар бир мусулмон учун муқаддасдир.

«Умра» — арабча сўз, — «Кичик ҳам» дегани, у «штамара» феълидан олинган. Умра ҳажи зулҳижжа ойининг 8, 9, 10 кунидан ташқари йилнинг бошқа вақтида адо этилади.

—Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг бир гуруҳ мусулмонлари сўнгги ўн йиллар ичида илк марта Саудия Арабистонига умра ҳажига бордилар. Москва, собиқ СССРнинг Европа қисми, Сибирь, бошқа ҳудудларида яшаётган 130 нафардан зиёд фуқаро зиёратда бўлди. Ижодий зиёлилар вакиллари, ислом, араб ва мусулмон дунёси тарихи масалалари билан шуғулланувчи олимлар ҳам зиёратчилар билан муқаддас жойларни бориб кўришди. Ҳаж сафаридан қайтган ҳожилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Назира КАРИМОВА — тилшунос, шоира:

— Гуруҳимизда 29 хотин-қиз бўлиб, улар турли миллат вакиллари — москвалик, қозонлик ва эстониялик татарлар, бошқирдлар, ўзбеклар эди. Зиёратчилар ёшларига эътибор беринг: ўз онаси

ДИЛ АМРИ

билан ҳаж сафарига отланган 16 ёшли бокира қиз-у, 85 ёшга қадам қўяётган мўътабар бувижон... Сафар олдидан ўзимизга янги кийим-кечаклар: кунда кийиш учун ёқаси ёпиқ кўйлак, махсус маросим либосларини тикиб олдик.

Биз муқаддас шаҳарларнинг кўчаларида аёлларни аҳён-аҳёнда учратдик. Уларнинг юзлари ўралган. Бўйин-елкалари ёпиқ, узун кўйлакларда юришади. Бу ерда ислом ақидасига қатъий бўйсунилишини дарҳол ҳис этдик. Муаззинларнинг азон даъватидан сўнг ҳар қандай юмуш шу заҳоти тўхтатилди, ҳар бир киши намозни адо этади. Шундай манзара кунига беш маҳал такрорланади.

Ўз-ўзидан рашванки, бизнинг аёлларимиз ҳаёт тарзи, тарбияси саудиялик хотин-қизларга нисбатан ўзгача. Шунга қарамай ҳаж вақтида ислом қоидаларига бўйсунган ҳолда монелик сезмадим. Динимиздаги опа-сингилларимиз билан масжидларнинг махсус хонақоларида ибодат қилдик. Айтмоқчи, мамлакатнинг барча шаҳарларида икки жинс вакиллари учун алоҳида кириш-чиқиш йўллари, хонақолар бор.

Маккани кун бўйи зиёрат қилдик. Пурвиқорлиги ва салобати билан инсонни ҳайратга солувчи ал-Ҳарам масжидини бориб кўрдик. Муқаддас Каъба шу ерга жойлашган. Маҳаллий соқчилар Каъба зиёрати вақтида лаб бўёғидан фойдаланмаслик даркорлиги ҳусусида бизни огоҳлантиришди. Арофат тоғи Маккадан бир неча чақирим нарида. Ҳажнинг асосий маросими шу ерда ўтди. Сўнгра Ҳиро тоғига бордик. Оллоҳ тарафидан Муҳаммад пайғамбаримизга ваъҳи шу ерда бўлган вақтларида юборилганлиги маълум. Мадина шаҳрида Муҳаммад алайҳиссалом масжидларида бўлдик. Пайғамбаримизнинг муқаддас қабрларини ҳожилар кўзларида шашқатор ёш билан зиёрат қилдилар.

Каъба учун махсус чодир тайёрлаш онларини кузатдим. Бу дамлар бир умрга ёдимда қолди. Чодирни фақат эркак кишилар тикишади. У олтин ва кумуш иплардан тайёрланади. Усталар ипак матога Қуръони карим оятларини ёзишда ўзларининг бор санъатларини намойиш этишади. Мато учун хом ашё асосан Италиядан келтирилади.

Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз — ўзбеклар билан учрашувларимиз, айниқса самимий бўлди. Уларнинг аксарияти 20—30-йилларда шу ерга келиб қолишган. Улар Мадина шаҳрида ўрта ва кичик ҳажмдаги тижорат ишлари билан банд, сармоялари етарли. Аммо уларнинг она-Ватанга қайтиш истаклари борлиги суҳбат чоғида яққол сезилиб турди.

Артур САГАДАЕВ—фалсафа фанлари доктори, қатор китоблар ва араб-мусулмон маданияти тарихига оид тадқиқотлар муаллифи:

— Ҳаждан олдин операциядан чиқдим. Шу боис сафардан биров чўчидим. Лекин нохуш ўйларим беҳуда бўлиб чиқди: афтидан, муқаддас шаҳарларнинг муҳити руҳимни кўтариб юборди, кучғайрат бағишлади. Ҳаммамизга мамлакат шоҳи Фахд меҳмони сифатида алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишди.

Ҳаж сафаридан олган таассуротларим кўп йиллик илмий фаолиятим мобайнида китоблар, солномалар ва адабиётлардан ўқиб билганларимдан устун келди. Муқаддас жойларнинг муҳофаза этилиши ва сақланиши, зиёратлар вақтидаги тартиб-интизомга ақлингиз бовар қилмайди. Олим ва муаллим сифатида Саудия Арабистони ислом дорилфунунларидаги дарс ўтиш жараёни билан қизиқдим. Дорилфунунларда сабоқ ва таълим-тарбия ишлари компьютерлар ёрдамида олиб борилишини зўр ҳаяжонда кузатдим. Бинолар худди обиданинг ўзи: ойнавандли, мармардан қурилган, бинолар ҳовлисидаги фавворалардан зилол сувлар отилиб туради.

Бизлар билан ўша кунлари бирга юрган ҳожиларнинг кийими ранг-баранг эди. Ягона динга эътиқод қўйган, дунёнинг турли жойларидан, айниқса, Осиё ва Африка қитъасидан келган вакилларнинг либоси, бош кийимлари турлича. Бундай манзарани фақат этнографик музейда учратиш мумкин. Биз европалик ҳожилар анча ажралиб турардик. Улар ёнимизга келиб, саломлашгач, биз собиқ СССРдан келган ҳожилар эканлигимизни билиб, таажжубланишарди.

Ислом динини қабул қилиб ҳажга келган европаликлар билан ҳам учрашувлар бўлди.

(РАТА «Новости» — маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси).

• ЯНГИ НАШРЛАР

«ТАБАРРУК ТАШРИФ»

● Урганч («Ўзбекистон овози» мухбири). Вилоят матбуот бошқармаси қошида ташкил этилган «Хоразм» таҳририят нашр бўлими адабий-бадиий асарлар чоп этишни бошлади.

Дастлабки китоблар Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Мажиддин Боғдодий, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедил рубоийлари ҳамда ғазалларидан сараланган «Табаррук ташриф» латиф тўплами ўқувчиларга тортиқ қилинди. Китобда жамланган барча рубоий ва ғазалларни шоир Матназар Абдулҳаким форсийдан ўзбек туркийсига таржима қилган. «Табаррук ташриф» ўн минг нусхада чоп этилди.

«Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, шунингдек, воҳада яшаб ижод қилаётган шоирлардан Қурбонбой Матризоевнинг «Гул ва кўнгил», Мадамин Қўчқорнинг «Тонг элчиси», марҳум шоир ва адиб Озод Рўзиматовнинг «Дафтарда қолган сатрлар» шеърий китобларини ҳам босмадан чиқарди.

Бўлимнинг галдаги режаларига кўра, шу йилнинг ўзида тағин бир неча бадиий китоблар, жумладан Хоразм адабий муҳитида етишиб чиққан, ўнлаб қўшиқлари санъат шинавандаларининг севимли мулкига айланган шоирларнинг шеърлари ҳам тўплам ҳолида китобхонларга туҳфа этилади.

Э. МАДРАҲИМОВ.

Қўқон шаҳар 1-маданият уйи қошидаги аскиячилар клуби доимо отахонлар билан гавжум.
СУРАТДА: маданият уйи раҳбари Йўлдошхон Носиров (чапда) уруш ва меҳнат фахрийлари даврасида..
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ДИЛ АМРИ

СОАТ МИЛЛАРИНИ СУРМАЙМИЗ

Россия давлат стандарти 29 мартга ўтар кечаси Россияда ёзги соат жорий этилишини эълон қилди. Шу муносабат билан эслатиб ўтмоқчимиз: россияликлар 19 январь куни соат милларини бир соат олдинга суриб, «декрет» вақти деб аталган вақтга ўтган эдилар.

Республика давлат стандарт бошқармасида ЎзА мухбирига хабар қилишларича, Ўзбекистонда ёзги вақтга ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланмоқда. Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бешинчи соат минтақасида жойлашган, шу сабабли вақт ҳисобини минтақа вақтида қолдириш қулайроқ.

Бинобарин, биз соат милларини сурмаймиз. Москва билан Ўзбекистон ўртасида вақт тафовутига келганда, 29 мартдан бошлаб орадаги фарқ бир соат бўлади. Шу куни собиқ Иттифоқ пойтахтига тайёрадан йўлга чиқадиган кишилар шу ҳолатни эътиборга олишлари керак. Кейинчалик ҳам буни унутмаслик лозим, чунки тайёралар ва поездлар Москва вақти билан сафарга чиқади.

(ЎзА).

• НАВРУЗ ЁДНОМАСИ

ОБРУ

Ҳар ким ўз яратувчилик меҳнати ва ижодий изланишлари билан иззат-икромга сазовор бўлади. Тўра Тўлаганов ҳам муаллимлик билан элга танилди, обрў орттирди. Бора-бора уни исми-шарифи билан расмий тарзда аташ ўрнига кўнгилларига яқин олиб, оддийгина Тўра домла деб мурожаат қиладиган бўлишди.

Дарҳақиқат, тажрибали педагог Тўра Тўлаганов домла бунга ҳақли эди. Самарқанд педагогика техникумини 15 ёшида тугаллаб, бўйи-бўйи билан қариб тенг болаларга дарс беради. Ўрни билан тарбиявий таъсир кўрсатади.

Мактаб ўқитувчиси сифатида катта фаолият кўрсатди. Илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ташаббус кўрсатиб ишлади. Катта Қаъни маҳалласи, Қатортол қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги жамоа йиғилишлари минбарларидан туриб, турли мавзуларда оташин нутқлар сўзлар, мактаб ва оила ҳамкорлиги, тарбиявий ишларни яхшилаш, таълим савиясини кўтариш хусусида бамаъни таклифлар киритиш билан танилди.

Унинг 60 ёшлигини қутлаш тантаналарига тайёргарлик кўрилди-ю, нишонланмай қолди. Тўра Тўлагановни Ленин ордени билан мукофотлаш ҳақидаги фармон ҳам эълон қилишганди. Бироқ бешафқат ўлим домлани орамиздан бевақт олиб кетди.

Шунга ҳам 20 йилдан ошди. Лекин Тўра домланинг ишини энди унинг кўп сонли шогирдлари, фарзандлари, келинлари, қизлари давом эттиришмоқда. Бундан 3 йил илгари Тошкент шаҳар Акмал Икромов райони ҳудудида янги мактаб очилди. 251-мактаб деб атала бошлади. Бироқ уни номлашга келганда ҳамманинг, жумладан шогирдларининг фикри бир ердан чиқди. Мактабга шу атрофдаги катта-ю кичикнинг билим олиши, тарбиясига меҳнати синган Тўра Тўлаганов номи берилди.

Орадан йиллар ўтди. Тўра домланинг шогирдларидан бири —Абдувоҳид Раупов директорлик қилаётган бу мактаб қаддини ростлаб олди, район халқ маорифи тизимидаги ўқув даргоҳлари орасида яхши мактаблар қаторидан ўрин олди.

Тўра домла таваллудининг 80 йиллиги унинг номи билан аталаётган мактабда ўтказилди. Юбилей йиғилиши илмий маъракага айланиб кетди. Домланинг ҳаёти, халқ маорифи соҳасидаги фаолияти ҳақида мактаб директори А. Раупов маъруза қилди. Кейин бирин-кетин шогирдлари, маорифчилар сўзга чиқишди. Шогирдлари — 203-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Эргаш Камолов, агроном Анвар Усмонов, 200-мактаб директори А. Ваҳобов, 201-мактаб илмий бўлим мудири Н. Бўриева, район халқ маорифи бўлими мудири А. Йўлчиев, 203-мактаб ўқитувчиси Ў. Муталов, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Латиф Шариповнинг домла ҳақидаги хотиралари ўқувчи-ўқитувчиларда, анжуманда ҳозир бўлган маҳалладош, қариндош-уруғларда яхши таассурот қолдирди.

Ҳа, обрўли бўлиш керак экан. Обрўлининг умри узун бўлишини Тўра домланинг тўртинчи келини сифатида шу маъракада қалбдан ҳис этдим. Ўз онгли ҳаётини эзгу иш — халқ маорифи равнақига бағишлаган раҳматли қайин отам билан чексиз фахрланаман.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 200-ўрта мактаб ўқитувчиси.

• Сизда қандай янгилик бор?

ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

● Ўтган йили бир гуруҳ ўзбекистонлик мусулмонлар қатори Маккан мукаррамага сафар қилиш бахтига муяссар бўлган Назира опа Муқимованинг кўнглида бир ушалмаган орзу бор эди.

Қани энди кўп йиллик тоат-ибодати ижобат бўлиб, Оллоҳ таоло азиз холажони Маҳбуба ойим билан дийдор кўришиш бахтига муяссар этса! Ҳали йигирманчи йилларнинг охирида Бухоро билан Афғонистон ўртасидаги чегара ёпилмай, ёш бева қолган холаси ягона ўғлини опичлаб хорижга кетиб қолган эди. Кейинчалик Бухорода қолган қариндошлар қанчалик уринишмасин уларнинг изига тушишолмади.

Тайёра Жидда шаҳрида қўниб, сайёҳлар меҳмонхонага жойлашиши билан Назира опанинг ходимга берган саволи холаси ва унинг ўғли тўғрисида бўлди.

— Файзулла Бухорий деган кишини танийман, — деди сал иккиланиб у. — Балким у киши сизнинг жиянингиздир...

Хўш, Маҳбуба ойимнинг узоқ сарсон-саргардонликдан кейин худди мана шу шаҳарда манзилгоҳ қурганини ва худди мана шу ходим унинг ўғлининг таниши бўлиб чиққанини қандай тасодиф билан изоҳлаш мумкин?

Шундай қилиб, Назира опа холаси ва унинг ўғли, кўпдан-кўп невара ва чеваралари билан 67 йиллик айрилиқдан кейин учрашди. Яқинда эса арабистонлик қариндошлар Бухорои шарифда меҳмон бўлишди, она-юртнинг муқаддас тупроғини юзларига суртишди.

ТУРКЛАР ШАҲАРЧАСИ

● Мана, бир йил бўляпти, шаҳарда месхети турклари миллий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур марказ фаолларининг илтимосига кўра Бухорода турк шаҳарчаси қурилишини бошлаш мўлжалланмоқда. Шаҳарча масжид, мадраса, бозор, чойхона, миллий ҳаммом ва маданий-маиший биноларни ўз ичига олади. Унинг қурилиш қиймати 10 миллион сўм атрофидадир. Туркия Республикаси бу ҳаражатнинг тенг ярмини ўз зиммасига олаяпти.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЛУҚМА

«ЗЕМЛЯМЕР» НИМА ДЕГАНИ?

«8-Март» жамоа хўжалиги идорасига киришингиз билан бир эшикка катта қилиб битилган «Землямер» деган сўзга кўзингиз тушади. Биласизки — русча сўз. Лекин шу сўзнинг имлоси тўғримикин?

Шу шубҳа сабаб бўлиб 1983 йили ўзбек Қомуси бош муҳарририяти чоп қилган русча — ўзбекча луғатни варақладим. Биронта рус ишламайдиган идорада русча сўз хато ёзиб қўйилганига ишондим. Чунки «Землямер» эмас, «Землемер», деб ёзилиши керак эди. Эҳтимол, бу ўзбекча қилиб «Ер ўлчоқчи» деб ёзилганда имло хатога йўл қўйилмаган бўлармиди, деб ўйладим.

Яна бир гап, Бошқа эшикларга ҳам «Ердамчи бух» «Бош бух», «Расч бух», «Экономист» деган ёзувлар осилиқ. «Граждан мудофааси бурчаги» деб номланган ҳўргазмали тахтада бўлса «Формированиялар вазифалари» деган сарлавҳа битилиқ. Бу ёзувларни битган кишининг ҳаракати бир варакайига икки қирғоқ сари эшкак эшмоқчи бўлган одамнинг ҳолатини эслатади.

О. УСАНОВ,
Денов райони.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 53.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.